MCHJ «M A S L A X A T A U D I T- M» AT

Жиззах шахри, Байналминалчилар-5, «Ипотека банк»нинг Жиззах вилоят бўлими МФО 00122,
Х/р: 20208000404136258001 ИНН 203679800, Тел:(83722) 226-55-78 Электрон почта Maslaxataudit @ olamiz
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2014 йил 31 январ кунги 00261 сонли лицензияси

2015 йил 7 апрель

Зафаробод шаҳарчаси.
Молиявий хисоботдан ташқи фойдаланувчиларга

«Зафаробод пахта тозалаш» акционерлик жамият (СТИР 201373163) нинг 2015 йил молиявий хисоботига ижобий

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

«Зафаробод пахта тозалаш» акционерлик жамияти Жиззах вилояти,Зафаробод тумани, Саноатчилар кўчаси 1-уйда жойлашган. Х.Р. 20210000300399033001, АТ «Агробанк» Зафаробод филиали, МФО 00134, СТИР 201373163. ХХТУТ 17111.

Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti Жиззах шахри, Байналминалчилар кўчаси, 5-уйда жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 26 июлда №658-сонли гувохнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 31 январ кунги №00261 сонли лицензия берилган. Ҳисоб раками 20208000404136258001, АТИБ Ипотекабанк Жиззах вилоят филиали, МФО 00122. "Мадад" СК томонидан 2016 йил 2 январда №АА0003299–ракамли сугурта полиси берилган.

Мен. Бустанов Н. (Ўз.Р.МВнинг 22.01.2011 й. кунги №04913-сонли аудиторлик малака сертификати берилган, 22.01.2015 йил муддати узайтирилган) Mas'uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti аудитори томонидан «Зафаробод пахта тозалаш» АЖнинг 2015 йил 1 январдан 2015 йил 31 декабргача даври учун тайёрланган молиявий ҳисоботларини, тақдим этилган ҳисобот ва маълумотлар бўйича аудиторлик фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги хужжатлари. "Аудиторлик фаолияти тўгрисидаги" Қонуни, аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА). аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари ва 2016 йил 9 март куни тузилган 76-сонли шартномага мувофик аудиторлик текширувини ўтказдим. Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботининг тайёрданиши ва ҳаққонийлиги учун «Зафаробод пахта тозалаш» АЖ рахбари ва бош хисобчиси жавобгар хисобланади. MCHJ «MASLAXATAUDIT-M» AT мазкур молиявий хисобот бўйича билдирилган фикрлар учун маъсулдир.

Ушбу андозалар аудитни ўтказишни режалаштиришни ва ташки фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақазо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий хисобот хамда бошка молиявий ахборотнинг конун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақикий холатига мувофиқлигини бахолашга асосланади. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот маълумотларининг бухгалтерия хисоботлари ва маълумотлари асосида тузилганлигини текшириш, тестлар ўтказиш ва молиявий хисобот маълумотларини таҳлил килишни ўз ичига олади.Тақдим этилган хисоботлар асосида ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча хўжалик фаолияти юритувчи субъект «Зафаробод пахта тозалаш» акционерлик жамиятининг 2015 йил 1 январдан 31 декабргача даври учун тузилган молиявий хисоботлари унинг молиявий ахволини мухим жиҳатлари бўйича ҳаққоний акс эттиради. Корхона томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик муомалалари Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатлари талабларига мувофик келади.

Бош директор **М.Гулбаев**

Аудитор **Н.Бустанов**

06.11.2015й. №04913-ракамли сертификатли аудитор.